

Ислом КАРИМОВ:

«Халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман»

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

26
(719)-son

30-iyun

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Бу сонда:

3 -бет

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА,
МАГИСТРЛАР!

5 -бет

ОМОН БЎЛИНГ,
ОМОН АКА!

6 -бет

НА СЕССИИ
РКР-06

7 - 10 -бетлар

Xabar-TV

11 -бет

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ
ТАРИХИГА БИР НАЗАР

13 -бет

ШАРТНОМА – ИЖРОСИ
БИЛАН ҚАДРЛИ

“МАЪНАВИЙ ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ” – дейишмоқда Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежида



Ҳозир юртимиздаги барча мактабларда сўнгги кўнғирок янграб, битирувчиларнинг кўпчилиги касб-ҳунар эгаллаш мақсадида турли ўқув даргоҳлари томон йўл олишган. Айни пайтда олий ва ўрта махсус билим масканларида абитуриентлардан хужжатлар қабул қилиш қизгин паллага кирган. Газетамизда “Таълим тизими” руқни остида юртимиздаги бир қатор илғор касб-ҳунар коллежлари ҳақида мақолалар бериб боряпмиз. Бугун ана шу анъанани давом эттирган ҳолда Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи ҳақида ҳикоя қиламиз.

12 -бет

“Хабар” ходимлари Янгийўлда



2 -бет

Интернет
ҳамкорларимиз:



– сифат
рамзидир



– юқори тезликдаги уй Интернет

HAFTALIK
XABARLAR

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июн куни Оқсаройда Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори Абдулваҳоб Аҳмад ал-Бадерни қабул қилди.**

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июн куни Беларус пойтахти Минск шаҳрида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг мажлисида иштирок этди.**

Учрашувда давлатлар раҳбарлари ўзаро интеграцияни ривожлантиришга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама этдилар.

● **Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Шу кuni Президентимиз Ислам Каримов матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади. Ушбу табрикни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчи Х.Султонов ўқиб эшиттирди.**

Йиғилишда "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ҳамда спортни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишда фаоллик кўрсатган журналистларга дипломлар ва эсдалик совгалари топширилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси ҳамда республика Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорликда Хомийлар ва шифокорлар йили мавзуининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Анжуманда Хомийлар ва шифокорлар йили дастури мамлакатимизда чоп этиладиган газета ва журналларда қандай ахс этганлиги ҳақида маърузалар тингланди.**

Давра суҳбатида йилнинг иккинчи ярмида Хомийлар ва шифокорлар йили дастурига мувофиқ қилинаётган ишларнинг матбуотда ёритилиши буйича тавсиялар берилди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадри дўстлар!

Аваллаббор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидойиларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана, ўн уч йилдирки, 27 июн санасини юртимизда миллий матбуот кuni сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъананага айланиб қолди. Бу байрам нафақат шу соҳа вакиллари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз орзиқиб кутадиган ва хурсандчилик билан нишонлайдиган кутлуг айёмдир.

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот ахлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли ҳолис воситачи ва муҳолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислохотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Албатта, ҳар қандай байрам тантанасида эришилган ютуқлар беихтиёр сарҳисоб этилади, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилиб, янги-янги режа ва вазифалар белгилаб олинади.

Ўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва жойларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётган бугунги учрашувлар сизларнинг ўз касбдошларингиз билан дийдор кўришиб, олдингизда турган мақсад ва муаммоларни муҳокама қилиш, касб маҳоратини ошириш, миллий журналистикамизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида яна бир бор атрофлиқ фикрлашиб олиш имконини беради, деб ўйлайман.

Халқимизга мансуб бўлган азалий одатга кўра, эл-юртга хизмати сингган, матбуотнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келган муҳтарам оқсоқолларимизга ҳурмат ва

эҳтиром кўрсатиш бундай анжуманларга алоҳида фойза бағишлайди. Айни пайтда бу каби тадбирлар шу кунларга етиб келолмаган устоз журналистларнинг номлари ва хотираси ёд этилиши билан ҳам ибратлидир.

Бугунги байрам кунинда мен бир масалага алоҳида эътибор беришни истардим. Биз одатда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида, замоннинг ўзи уларнинг олдига кўяётган ўткир талаб ва эҳтиёжлар ҳақида кўп гапирмиш. Аммо, очигини айтганда, бу соҳани меҳнати нақадар машаққатли экани, журналист касбини танлаган кишилардан наинки истеъдод ва билим, балки қатъият ва жасорат талаб қилиниши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг нони қаттиқ экани, улар одамларни тинч қолдирмайдиган ташвиш ва муаммолардан холи бўлмасдан юришлари ҳақида, афсуски, камроқ эслаймиз.

Шу ўринда барчамизнинг дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият куриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот ахлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлаб эканмиз, табиийки, журналистларимизнинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мулоқобат қилиш кераклиги бўлмайди.

Кейинги пайтда миллий матбуотимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган компютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизими билан бир қаторда, энг аввало, бу воситаларнинг барчасини жонлантирадиган, уларга маъно-мазмун берадиган, таъсирчанлиги ва самарасини амалда намоён қиладиган асосий куч — журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва

дунёқараши, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражага ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдандир.

Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат демократик жамият кураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадрини, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бу талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил ҳолий этишни тақозо этади.

Матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифаларни адо этишда бугун бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий технология ва усқуналар билан жиҳозлаш, соҳа ривожини учун зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш, матбуот ахлининг масъулиятли меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам давлатимиз ҳукуматимиз эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Ўз ҳаётини матбуот соҳасига бағишлаган сиз, азизларга меннинг эзгу тилгамишуки, аввало, хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барақа аримасин, ижодий ютуқларингиз, муҳлис ва муштарийларингиз янада кўпайсин.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сihat-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

GAZETXONLAR BILAN UCHRASHUV

"Xabar" ходимлари Янгийўлда



27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунинда "Xabar" газетаси тахририяти ходимлари "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ва "Тошкент Телеком" филиали раҳбарияти тақлифига кўра, Янгийўл телекоммуникациялар боғламасида ижодий учрашув ўтказишди. Унда Янгийўл шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаси ҳамда почта алоқаси тармоғи ходимлари иштирок этди.

Учрашувни "Тошкент Телеком" филиали касба уюшмаси қўмитаси раиси Юнус Фахруров кириш сўзи билан очди ва "Xabar" ходимларини барча алоқачилар номидан касб байрамлари билан самимий кутлади. Шундан сўнг газета бош муҳаррири Орифжон Муҳаммаджонов сўзга чиқиб, газетанинг фаолияти, газетачиликнинг ўзига хос бўлган жиҳатлари, тахририятда ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар, умуман, "Xabar"нинг сифати ва савиясини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Албатта, журналистлар бор жойда муштарийлар томонидан саволлар берилиши табиий. Учрашувда ҳам шундай бўлди. Улар газе-

та фаолияти, журналистлар малакаси, келажакдаги режалар ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан берган саволларга журналистлардан ўзлақонли жавоб олишди. Йиғилишда Янгийўл телекоммуникациялар боғламасининг етакчи иқтисодчиси Элвира Изаева ҳамда боғлама касба уюшмаси қўмитаси раиси Светлана Валетдиновалар ўзларининг қатор саволлари, тилак ва истаклари билан айниқса фаол иштирок этишди.

Сўнгра газета ижодкорлари байрам дастурхонига тақлиф қилинди. Уларга "Тошкент Телеком" филиали директори Абдурашид Абдумўминов эсдалик совгаларини топширди.

ТАХРИРИЯТДАН: Журналистларнинг касб байрами — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni муносабати билан уюштирилган учрашув, "Xabar"чиларга кўрсатишган эътибор ва иззат-икром учун "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳаким Асрорович Муҳитдинов, "Тошкент Телеком" филиали директори Абдурашид Абдуҳадович Абдумўминов ҳамда Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Жумабой Амирович Бўтаевларга ўз миннатдорчилигимизни билдирдимиз.

TATU HAYOTIDAN

Оқ йўл сизга, магистрлар!

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан Тошкент ахборот технологиялари университетида 1999-2000 ўқув йилида магистратура бўлими очилган эди. Утган етти йил ичида ТАТУда 500дан ортик ёшлар магистр даражасини олишга муяссар бўлди.

Хар ўқув йилида магистрларга диплом топириш маросими университетда тантанали равишда ўтказилади. Бу йил ҳам уларга диплом топириш ва мустақил ҳаётга кузатиш маросими ана шу анъанани давом эттирган ҳолда ўтказилди. Маросимга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Арипов, "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳаким Муҳитдинов, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев ва соҳа ташкилотлари раҳбарлари ташриф буюришди. Ишда ва ўқишда муваффақиятларга эришган бир гуруҳ ўқитувчи ва магистрлар — Иқтисод ва бошқарув, Телекоммуникация тизимлари, Радиотехника, радиоалоқа ва телевидение факультетларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан ўринбосарлари — Д.Нурмухамедова, Г.Аҳмедова, Ф.Қосимоваларга, ассистент Н.Ориповога, магистрлар — С.Жавлиев, Д.Джамаматов, З.Каримов, В.Сташенколарга "Фахрий ёрлик"лар берилди.

Тадбирда Телекоммуникация тизимлари факультети катта ўқитувчиси Р.Нуриддинова, ота-оналар номидан М.Қорахужаева ва магистрлар — С.Ибраева ва З.Хасановалар сўзга чиқиб, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда университет раҳбариятига, барча устозларга

миннатдорчилик билдирдилар. Шундан сўнг 12та йўналиш бўйича диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган 136 нафар битирувчига "Магистр дипломи" топирилди.

Университетда магистрларнинг билим олишлари ва илмий фаолият олиб боришлари учун барча имкониятлар яратилган. Бугунги кунда катта фондга эга бўлган кутубхона, виртуал лаборатория ишлари ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхона, Интернет тизими магистрлар хизматида. Бундан ташқари, улар хорижий малакатларнинг олий ўқув юрларида ҳам малакаларини ошириб келишмоқда.

ТАТУ магистратураси мутахассислар тайёрлашда кўплаб хорижий компаниялар, фирмалар билан ҳамкорлик қилади. Булар қаторига "COSCOM", "Alcatel", "DEWOO UNITEL", "Ўздунробита" каби бир қатор компаниялар кирди.

Келажакда юқори малакали магистрлар тайёрлаш мақсадига университетга хорижий мамлакатлар — Ҳиндистон, Малайзия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатлардан профессорларни таклиф этиш режалаштирилган.

Хуллас, катта ҳаётга кириб келадиган магистрларга оқ йўл тилаймиз.

Эъзозахон ҚАРИМОВА,
ТАТУнинг «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари

DAVRA SUHBATI

"Ўзбектелеком" АКнинг мажлислар залида "ALSKOM" қўшма суғурта компанияси ташаббуси билан давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон автосуғуртачилар уюшмаси, "Ўзбекинвест", "Ўзагросуғурта", "Қафолат", "Мадад", "Universal sug'urta", "Тошкент-суғурта", "Fotis Sug'urta", "Ишонч", "Капитал суғурта" каби суғурта ташкилотларидан вакиллар ҳамда украиналик меҳмонлар — "ЭНЕРГОПОЛИС" акциядорлик суғурта компаниясининг раҳбарлари қатнашди. Давра суҳбатини "ALSKOM" компанияси бош директори Тоҳир ИМИНОВ олиб борди.

"Энергополис" ҳамкорлик қилмоқчи...



Суҳбат. аввалида "Saipro" рейтинг компанияси бош директори Равшан Жўраев сўз олиб, "ALSKOM" суғурта компаниясининг рейтингини кейинги пайтларда янада ошганлигини маълум қилди ва компанияга "UzbB++" тоифадаги ишончлик сертификатини топширди. Шундан сўнг Республика молия вазирлиги ҳузурдаги давлат суғурта назорати инспекцияси бошлигининг ўринбосари Миродил Мирсодиқов мамлакатимиз суғурта бозо-



ри ҳақида маълумот берди. "ЭНЕРГОПОЛИС" АСК бошқаруви раиси Виктор Миколайчук Ўзбекистонлик ҳамкасбларига Украинада суғурта хизматининг хозирги аҳоли тўғрисида туб маъруза компания ҳақида атроф-лича сўзлаб берди. Айни пайтда Украинада 405та суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ичида ўз мавқеига эга бўлган "ЭНЕРГОПОЛИС" компанияси 1992 йили ташкил этилган.

Унинг асосий мижозлари Украинадаги қасаба уюшмалари ташкилотлари ҳисобланади. Жумладан, компаниянинг доимий мижозлари орасида "Энергоатом" миллий компанияси таркибидagi Чернобил, Жанубий Украина АЭСлари, "Укрвататранс", "Укринбанк", "Укратомприборы" каби муассаса ва корпорациялар бор. 2002 йили компания Европа бозорлари маркази (EMRC)нинг нуфузли мукофоти — "Euro market Award 2002" зарҳал статуэткasi ва дипломи билан тақдирланган. Компаниянинг ўттизта филиали бўлиб, улар бутун мамлакат ҳудудини қамраб олган.

Мана шундай маълумотлар билан танишгач, иштирокчилар ўзларини қизиктирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди. Ингилиш сўнгида "ALSKOM" ва "ЭНЕРГОПОЛИС" суғурта компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги бош қелишув ҳамда факультатив қайта суғурталаш шартномаси имзоланди.

Абдуғани АБДУРАХМОНОВ
axxabar@mail.uz

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Республикаимиздаги мавжуд қонун ва норматив ҳужжатлар талаблари, қайси соҳада бўлмасин, бирор бир ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ёки аҳолига исталган замонавий хизмат турларини кўрсатишда фақат шу хизмат турига тегишли фаолият учун белгиланган тартибда рухсатнома олишни тақозо этади. Амалдаги қонун ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш эса техник воситаларнинг созлигини таъминлаш ва уларни талаб даражасида бўлишига эътиборсизлик оқибатида келиб чиқадиган камчилик ва нуқсонларнинг олдини олади.

Тадбиркорларга тегишли фаолият турларини амалга оширишга рухсат этувчи ҳужжат (лицензия)ларни олиш, техник воситалар билан тўлиқ таъминланиш, олиб бориладиган фаолият бўйича чуқур билимга эга бўлиш ва шу каби бошқа маълумотларнинг талаб этилиши соҳада қабул қилинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган.

Лицензиясиз фаолият юритаётган айрим субъектлар айнан шу талабларни бажармасдан амалдаги қонун, давлат ва соҳа стандартлари ҳамда тегишли норматив ҳужжатлар қоидаларининг бузилишига йўл қўймоқдалар.

Тегишли рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришдан туриб, мўмай даромад орттиришга ружу қўйган айрим корхоналарни аниқлаш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси томонидан жорий йилнинг I-чорагида ўрганишлар ўтказилди. Натияжада республикаимизда маълумотлар узатиш тармоқлари, жумладан, Интернет-

Лицензиянгиз борми?

кафе хизматларини кўрсатишда фаолиятини лицензиясиз амалга оширадиган ана шундай 28та корхоналар мавжудлиги аниқланди, улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида» ва «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низом ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари бузилиб келинаётганиги маълум бўлди. Лицензиясиз фаолият кўрсатаётган ҳужжалик юритувчи субъектлар бу ҳақда огоҳлантирилдилар. Барча ўрганилган маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси

бошқармаларига тегишли чоралар кўрилиши учун юборилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолатлар асосан қонун, норматив ва техник ҳужжатлар билан танишмаслик ҳамда уларнинг талабларини билмаслик оқибатида пайдо бўлмоқда. Корхоналар раҳбарлари ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни ўз холига ташлаб қўётганликлари сабабли ҳам шундай камчиликлар келиб чиқмоқда. Республикаимизда фаолият юритиб келаётган ёки фаолиятини эн-

дигина бошлаш арафасида турган корхоналар раҳбарлари, авваламбор қонун ва норматив ҳужжатлар талабларини яхши ўзлаштирсалар, бундан ўзлари ҳам манфаат топиб, ишлари барака сари юз бурган бўлар эди. Демокчи бўлганимиз, айрим «учарлар»га ўхшаб оғирнинг устидан, энгилнинг остидан юришни орзу қилмасдан, қонун асосида иш юритсак — юзлар ёруғ бўлиб, ўз мақсадимизга етишимиз аниқ.

Бунга Сиз нима дейсиз, ҳурматли тадбиркор, Сизнинг лицензиянгиз борми?..

Алишер ХУДОЁРОВ,
Давлат алоқа инспекцияси ахборот-коммуникация технологиялари бўлимининг етакчи муҳандиси

АХИЛЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Биз хоҳлаймизми-йўқми, умримизнинг энг қайноқ давлари ишхонаимизда ўтади. Ичимиз ўзига хос хусусиятга эга. Негаки, "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалида халқаро ҳамда шаҳарлараро алоқа хизмати узлуксиз ва бенуксон ишлаб туриши керак. Кейинги йилларда филиалимизда туб ўзгаришлар рўй берди. Корхона биноси қайта таъмирланиб, цехларда замонавий технологияларга асосланган ускуналар ўрнатилди. Ишга ўз вақтида келишга, ходимларимиз малакасини вақти-вақти билан ошириб боришга эътибор кўчайди. Шунингдек, раҳбарият ва филиал қасаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида ходимларимизга қулайликлар яратиш учун турли имтиёзлар жорий қилинди. Корхонада бўладиган ҳар бир тадбир жамоа шартномасига асосан амалга оширилади.

"Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалининг Оҳангарон шаҳар "Эйвалек" қишлоғида жойлашган "АЗИМУТ" йўлдош алоқа станциясида мана иккинчи йилдирки, қорхонамиз раҳбари ташаббуси билан "Савоб ишни хар ким, хар куни қилиши керак" шiori остида табиат қўйнида хашар уюштирилади. Бу йилги хашарда ҳам раҳбарият, филиал ходимлари ва уларнинг фарзандлари фаол иштирок этдилар. Теварак-атроф бегона ўтлардан, чиқиндилардан тозаланди, дарактлар оқланди, бино ойналари артиб-ювилди. Шу кунчи хашарчилар хормай-толмай меҳнат қилиш билан бирга гўзал табиат қўйнида мириқиб дам олдилар. Сўнгра уларга дастурхон ёзилиб, ош тортилди.

Кўтаринки руҳда ўтган хашардан тушган маблағ "ЭКОСАН" жамғармасига ўтказилди. Бу каби тадбирлар филиалимиз ходимларининг бир-бирларига бўлган муносабатларини янада мустаҳкамлаб, меҳнат уюмдорлигини оширмоқда. Зеро, ахиллик бор жойда барака бўлади.

Мавжуда АРИПОВА,
"Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалининг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими

DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

ЯКИН ШАРҚДА ЯНА НОТИНЧЛИК

Исроил Фаластин ҳудудига авиация ва артиллерия орқали навбатдаги бомба ҳужумини уюштирди. Натижада бир неча кўприк ва электростанция вайрон бўлди.

Исроилликлар ушбу ҳаракатни бир неча кун аввал ҲАМАС томонидан гаровга олинган ҳарбий хизматчини озод этиш билан боғлашмоқда. Улар ўз фуқаросини озод этган заҳоти ҳужумни тўхтатишларини таъкидлашмоқда. Ўз навбатида фаластинлик гуруҳлар ҳам қуролли ҳужумга тайёрланяпти ҳамда ўзларининг барча ҳамкорларини ушбу курашда бирлашишга чақирмоқда. Бундан ташқари, жангарилар агар Исроил ҳужумларини тўхтатмаса, гаровдаги ҳарбийни ўлдиришларини айтиб, таҳдид қилишяпти.

Эслайтиб ўтамай, «Халқ қаршилиги кўмиталари» гуруҳининг ҳужуми натижасида Исроил му-

дофаа армиясининг икки аскари ҳалок бўлган, бир нафари оғир яраланган ва гаровга олинган эди. Жангарилар унинг эвазига Исроил қамқончаларидаги барча маслақдошларининг озод этилишини талаб қилишган.

Фаластин мухторияти президенти Махмуд Аббос бошчилигидаги ФАТХ ҳаракатининг вакили «Jerusalem Post» газетасига билдиришича, Фазо минтақаси чегарасидаги «ЦАХАЛ» ҳарбий постига ҳужум Суриядаги ҲАМАС раҳбарияти кўрсатмаси бўйича уюштирилган. Сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, Фазо минтақасидаги қутилмаган бу воқеа Яқин Шарқдаги вазиятга жуда катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ЧИҚМАГАН ЖОНДАН УМИД

«The New York Times» журнали Ироқнинг собиқ диктатори Саддам Ҳусайн адвокатларидан бирининг сўзларига асосланиб, шов-шувли мақола эълон қилди. Эмишки, Саддам Ҳусайн АҚШ ёрдамида яна мамлакат ҳокимияти бошқарувига қайтмоқчи.

Мақолада ёзилишича, Ироқда ҳужайинлик қилаётган турли дин ва миллатта мансуб саноксиз террорчи гуруҳларни Американинг ўзи мустақил енга олмаслиги Ҳусайннинг ишончи комил. Шунингдек, унинг фикрича, америкаликлар мамлакатдаги ҳокимиятни Эронга хайрихоҳ бўлган шидлар қўлига бериб, катта хатога йўл қўйганликларини тушуниб етишган. Эндликда Ҳусайн америкаликлар террорчиларни яшилловлаш ва Эроннинг минтақадagi таъсирини мустақкам тўсиқ қўйиш мақсадида унинг президентлик курсисига қайтиши учун имконият беради, деган фикрда.

САҲОВАТЛИ МИЛЛИАРДЕРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бир неча йилдирки, компьютер магнати, миллиардер Билл Гейтс ўз жамғармасидан дунёнинг турли давлатларидаги ОИТСга чалинганларни даволаш учун миллионлаб маблаг ажратиб келмоқда. Энди уни энг қадрдон дўсти, ўзи каби миллиардер Уоррен Баффет ҳам қўллаб-қувватлашга бел боғлади.



Гейтс хайрия жамғармасига ўтказилади.

Етмиш беш ёшли Баффет хотини Сюзан Баффетнинг вафотидан кейиншундай қарорга келганини таъкидламоқда. Унинг сўзларига кўра, Сюзан Баффет хоним эрини ҳаётлигида хайрия ташкилотларига маблаг ўтказиб туришга мунтазам ундаб келган экан.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур миллиардер доимо оддий одамлар қатори ҳаёт кечирган: у учна катта бўлмаган уйда яшайди, эски урфдаги костюм-шим кияди, анчагина эскириб қолган автомобил минади.

Интернет материаллари асосида Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

АКТ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб телекоммуникация тармоқларини замонавийлаштириш, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ишларига катта эътибор бериб келинмоқда.

Амалга оширилаётган бу ишлар албатта ўзининг илҳами самарасини берибди. Хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,7 фоизни ташкил қилмоқда. 2005 йил мобайнида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 413,5 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 2004 йилга нисбатан 45 фоиз ўсишга эришилди. Асосий телефонлар сони 2006 йил 1 январь ҳолатига 1,73 млн. донани ташкил этди. Шу кунгача республикамиздаги мавжуд АТСларнинг 66,2 фоизи рақамли АТСларга алмаштирилди. 2006 йил 1 январь ҳолатига уяли алоқа абонентларининг сони 1,15 млн.га етди. Бундай юқори кўрсаткичларга эришиш эскирган техника ва технологияларни замонавий рақамли қурилмаларга алмаштириш ва шу орқали қўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва ҳақмини ошириш ҳисобига таъминланмоқда.

Телекоммуникациялар тармогини янгиллаш ва замонавийлаштиришда соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш муҳим ўрин тутаяди. Бугунги кунда соҳага инвестициялар киритиш корхоналарнинг маблағлари, тўридан-тўри хориж сармоялари ҳамда кредитларни ҳисобига амалга оширилмоқда.

Чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг турлилари яна бири — лизингдир. Лизинг бу — молиявий ресурсларни кўпайтирмай, ташкилотнинг асосий капиталини ошириш ва техник мукамаллаштиришга имкон берувчи узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг қўлинидир. Лизинг — корхоналарнинг асосий капиталига сафар-

бар этиладиган инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий усули бўлиб, анъанавий банк кредити эвазига маблаг ажратиб эки бевосита инвестицияларни молиялаштириш усулларига нисбатан устуникларга эгадир.

Лизингнинг моҳияти — мол-мулкка эгаллик қилишгина эмас, балки ундан тўла фойдаланиш усулларини жорий этишдан иборат бўлади. Республикаимизда лизинг муносабатлари асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда «Лизинг тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг лизинг муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор Фармонлари ҳам бу борадаги таянч ҳужжатлардир.

Лизингнинг кредитдан бирмунча устуник томонлари мавжуд. Масалан, объектга мулкчилик ҳуқуқи, яъни эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш кредитда қарз олувчига тегишли бўлади. Лизингга эса эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи мулкчилик ҳуқуқидан ажратилади. Кредитда кредит таъминоти — мол-мулкни гаровга қўйиш, банк кафолати, ипотека, кафилик ва бошқа қўриқчиларда бўлса, лизингга улар асосан лизинг объекти ҳисобланади. Кредитда қарзни узиш қарз олувчи ҳисобидан амалга оширилади, лизингга ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига киритилмаган амортизация ва бошқа ажратмалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бугунги кунда республикамизда маълум тармоқлар бўйича ихтисослашган «Ўзбеклизинг интернешнл», «Осиё-Европатраст», «Барақа», «Ўзкейсролизинг»,

«Ўзавализинг» каби лизинг компаниялари фаолият юритмоқда. Аммо мамлакатимизда телекоммуникациялар соҳасида техник қурилмаларни янгиллаш жараёнларида лизинг муносабатларини қўллаш даражаси анча паст. Шундан келиб чиқиб, ушбу тармоқда чет эл инвестицияларини жалб қилишда лизинг муносабатларидан фойдаланишни кенгайтириш ўта муҳимдир.

Лизинг муносабатлари телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритишни бошлаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига тегишли техник қурилмаларни сотиб олиш учун қулай имкониятлар яратаяди. Яъни, ўз фаолиятини энди бошлаган, етарли маблағларга эга бўлмаган кичик корхоналар учун телекоммуникация воситаларини лизинг асосида сотиб олиш — анча самаралидир. Банк кредитларини жалб қилишда банк томонидан қўйиладиган айрим талаблар бошловчи тадбиркорлар учун қийин вазиятларни туддиради. Масалан, олинмаган кредитнинг 120 фоизи микдорда мулкни гаровга қўйиш, бошқа ташкилотларнинг қаролатини олиш ҳамда кредитни расмийлаштириш каби ва бошқа ҳаракатлар. Лизинг асосида иш юритилганда эса бу каби қийинчиликлар анча енгиллашади.

Телекоммуникациялар соҳасида техник ривожланиш жаддалик билан бораётган ҳозирги шaroитда техник қурилмаларни доимий янгиллаб бориш, модернизациялаш талаб қилинади. Техник қурилмаларни тўридан-тўри эки тижорат банки кредити ҳисобига сотиб олишдан кўра, уларни лизинг асосида олиш тўғри йўл саналади. Масалан, «Ўзбектелеком-Мобайл» филиали ўз фаолиятини кенгайтириши учун айни кунда етарли маблағларга эга эмас. Бу масалага чет эл кредитларини жалб қилиш «Ўзбектелеком» АКнинг хориж банклари олдидаги умумий қарздорлигини оширади ва компанияни хусусийлаштириш жараёнида унинг жалб эта олиш имкониятларини камайтиради. Ушбу шaroитда корхона ривожлантиришнинг мақбул шarti — лизинг ҳисобланади.

Шунингдек, «Ўзбектелеком» АК Интернет хизматларини кўрсатиш бозорида аҳоли сегментини эгаллаш учун компютерларни лизинг асосида, кейинчалик

сотиб олиш шarti билан ижарага бериш ишларини амалга ошириш мақсада мувофиқдир.

Молиявий қийинчиликлар шарoитда чет эл инвестицияларининг ноанъанавий тоифаси бўлган лизингга корхоналарнинг ўз техника ва технологияларини янгиллаш учун асосий манбалардан бири сифатида қаралиши бугунги кунда ўз ибботини топмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда телекоммуникациялар соҳасини ривожлантиришда долзарб тадбирлардан бири — соҳага ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил қилишдир. Ушбу компания молиявий ва моддий-техникавий ёрдам кўрсатишдан ташқари, ихтисослаштирилган телекоммуникация бинаоларини қуриш, техник қурилмалар билан таъминлаш ва уларни монтаж қилиш, тадбиркорлик объектига техникавий хизмат кўрсатишни амалга ошира оладиган бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришни моддий техникавий таъминлашга лизинг шаклининг илгорлиги ва самардорлиги шу билан боғлиқки, лизинг берувчи лизинг олувчининг технологик ускуналардан режали ва асраб-авайлаб фойдаланишидан манфаатдор. Шу боис, у малакали мутахассисларни ишга қорлайди, энг янги техникавий ечимларни, технологияларини излайди.

Телекоммуникациялар соҳасида лизинг фаолиятини юритиладиган компания чет элдаги телекоммуникация қурилмалари ишлаб чиқарувчи компаниялар билан техник қурилмаларни лизинг асосида етказиб бериш бўйича келишувларга эришиши талаб қилинади. Телекоммуникациялар соҳасида ихтисослашган лизинг компаниясини тузишда Россиянинг «РТК» компанияси ва бошқа хорижий компаниялар тажрибаларини ўрганиш мақсада мувофиқдир.

Юқорида келтирилган тақлифлар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларида муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Ойбек МАМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Давлат ва жамият қурилиши
академияси тингловчиси

ТО‘УХАТ О‘RNIDA


Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Радиотехника ва радиоалоқа" кафедраси муdiri, техник фанлари номзоди Омон Абдуазизов муборак 65 ёшга тўлди.

Омон бўлинг, Омон ака!

Омон ака 1941 йилнинг 22 июнида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида тававалуд топган. Уруш бошланганлигини эшитган аммаси тезроқ дориломон кунлар келсин, дея унга шу исми кўйди. Отаси — Абдумажид ака, онаси — Хикоят опа ҳам эскича, ҳам янгича илмлардан хабардор, саводли инсонлар эди. Шу боис ҳам улар фарзандларининг илми инсонлар бўлиб, ҳаётда ўз ўринларини топишларини хошлашарди. Йиллар ўтиб, бу эзгу ният ушалди — оиладаги саккиз фарзанд орасидан элга танилган ҳуқуқшунос, физика-математика фанлари номзоди, фан докторлари етишиб чикди.

Ёш Омонни радио қурилмалари, унинг ишлаш тарзи қизиқтирар, радиоустахонага бориб, қўлидан келганча носоз радиоларни тузатар эди. Усталар ҳам беминат ёрдамчи топилганидан хурсанд бўлишарди. У 1959 йили Тошкент электротехника алоқа институтининг радиоалоқа ва радиозащитириш факултетига ўқишга кирди. Ўқитиши иш билан бирга олиб борди. Институтни 1965 йили битириб, шу даргоҳда ишлади. 1971 йили эса Москва электротехника алоқа институтидан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўз изланишлари натижалари асосида у қарийб 200та илмий ва ўқув-методик ишларини ёвлан қилди. Шундан 20таси хорижий давлатлар журналларида чоп этилган. Домла шу йилнинг охирида докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрапти. У университетда факултет декани, ўқув ишлари бўйича проректор вазифаларида ишлаган кезларида ҳам малакали илмий ходимлар тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор бериб, ёшлардан ўз ёрдамини аямади. Айни пайтда ҳам домланинг раҳбарлигида учта номзодлик диссертацияси тайёрланмоқда. "Радиотехника ва радиоалоқа" кафедрасида нашрларда эълон қилинган илмий ишлар, маъруза ўқиш услублари, фанлар бўйича лаборатория ҳамда амалий машғулотлар қандай ўтказилиши кераклиги тез-тез муҳокама қилиниб турилади. Албатта, бунда домла ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, зарур маслаҳат ва кўрсатмаларини бериб боради.



Омон ака касби тақозосига кўра, Туркия, Белгия каби хориж давлатларида, МДХ республикаларида бўлиб, бу ерларда ўтказилган халқро илмий-тадқиқот анжуманларида маърузалар ўқиган, илмий мақолаларини чоп эттирган. Ҳозир ҳам Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск алоқа ва ахборотлаштириш университетларида ҳаммасблари билан мунтазам мулоқотда бўлиб туради. Домла 2001 йилдан буён Халқаро алоқа академиясининг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади.

Омон ака фаолиятининг яна бир қирраси бор. У киши матбуотга ўзи хизмат қилаётган ўқув даргоҳи ҳақида мақолалар ёзишни яши кўради. Утган йили ТАТУнинг 50 йиллик тўйига бағишлаб ёзган туркум мақолалари "Xabar" газетаси сифаларида мунтазам чоп этилди. Ана шу мақолалар ва бошқа ижодий ишлар натижасида университетнинг тарихи ҳамда бугунги кунига бағишланган китоб нашрдан чикди.

Хар бир ишга алоҳида бир масъулият билан ёндашувчи Омон ака тарихи, маданий меросимизга қизиқди. Домланинг хонадонидан бой кутубхона бор. Мазкур кутубхонада 1928-1930 йилларда чоп этилган радиотехникага оид китоблардан тортти, бир қатор ноёб асарлар ҳам сақ-

ланади. Жумладан, кутубхонадан Гоголнинг ўз кўли билан чизган сахна кўришнилари акс этган "Ревизор" асари, Абдулла Кодирининг лотин алифбосида чоп этилган "Обид кетмон" асарининг биринчи нашри ўрин олган. Яна бир ноёб

мўъжаз китобча борки, бу ҳақда домланинг ўзи шундай дейди:

— Раҳматли отам уруш даврида бир инсонни рози қилиб олган, лупа ёрдамида ўқилайдиган, муқоваси қимматбаҳо тошлар билан безатилган Қуръони каримнинг энг кичик нусхасини китоб жавонимда эъзолаб сақлайман. Мен дастлаб унда айрим суралар, оятлар бўлса керак, деб ўйлардим. Мутахассисларга кўрсатганимда, улар китобчада Қуръони карим тўлиқ берилганлигини, ушбу нашрнинг тарихи бир неча юз йилга бориб тақалишини айтишди. Уни авайлаб асраш, келгуси авлодларга етказиш — менинг вазифам.

Абдуазизовлар хонадонидан шахсий кутубхона ташкил этиш аънамага айланган. Қахрамонимизнинг акаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори Ғофир Абдумажидовнинг уйида ҳам ҳуқуқий соҳага оид 1910 йилларда нашр этилган кўплаб китоблар сақланаркан. Китобга бўлган муҳаббат балким уларга оталаридан, отинбиби, дея номи чиққан аммаларидан ўтгандир. Ўша пайтларда отамакон уйларига ҳофизлар, шоирлар тез-тез келиб туришган экан. Хусусан, тоғалари — таникли адабиётшунос олим, ўн йил давомида Алишер Навоий номидagi Самарқанд давлат университети бошқарган Воҳид Абдуллаев билан Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулум қалин дўст бўлишган. Оташонафас шоир Абдуазизовлар хонадонларига дўстини излаб тез-тез келиб турган. Табиийки, хассос шоирнинг дилтортар суҳбатлари, ҳофизларнинг хонишлари бу хонадонда улғаяётган ёшларга ўзининг таъсирини ўтказган. Ана шундай муҳитда камол топгани учун ҳам Омон аканинг ижодга, китоб оламига муҳаббати баланд.

Ҳаётда домла "Қўлингдан келса яхшилик қил, ёмонлик аҳмоқнинг қўлидан ҳам келади", деган шиорга амал қилиб яшайди.

Икки нафар фарзанднинг отаси, ажойиб шогирдларнинг жонқуяр ва талабчан устози Омон Абдуазизовга доимо омон бўлинг, дориломон кунларингиз бардавом бўлсин, дея эзгу ниятларимизни билдирашимиз.

Абдуғани АБДУРАҲИМОНОВ

AKS-SADO

Муҳтарам газетхонлар!
Газетамизнинг 2006 йил 16 июндаги сониде "Тахририятга мактуб" рукин остида Муниҳон Абдуҷаббарованин "Ёрдмингизга муҳтожман, яхшилар!" сарлавҳали дил изҳори чоп этилган эди. Шу кунларда синглимиз Муниҳонга ҳамдардлик билдириш, кўнглини кўтариш ҳамда амалий ёрдма бериш истагидаги муштарийларимиздан тахририятимизга кўнғироқлар бўлиб, мактублар келиб турибди. Қўйда шулардан бирини эътиборингизга ҳавола қилапмиз.

БАХТЛИ БЎЛИШИНГИЗНИ ИСТАЙМАН...

"Салом, дугонам Муниҳон!
Сизни опа дейми ёки сингли, билмадим, лекин сизга ҳозир кўнғлимга ақин, узоқ йиллардан бери таниган, сирдош дўстимдек муурожаат қилгим келяпти.

Айтишларича, Аллоҳ бандасининг жуссаси кўтариши мумкин бўлган даражада дард берар, ундан ортингини раво кўрмас экан. Муниҳон, сиз ёш умриянгизда шунча қийинчиликларни кўрибсиз, демакки, Парвардигорим сизни шундай муостаҳкам яратганки, пешонангизга кучли иродангизни синаш тақдирини ёзибди.

Сиз ҳақиқатан ҳам ҳаётнинг бешафқат зарбаларини кўрдингиз, кўп оғир кунларни бошдан кечирдингиз. Лекин мен сизга аёл сифатида шунини айтишим мумкин: Сиз барибир бахтли аёлсиз! Сизга минг-минглаб аёллар ҳавас қилса, арзийди. Сиз олий маълумотли, ўқимишли аёлсиз, севиб-севилянсиз, ширингина ўғилчанинг меҳрибон онасисиз.

Сўйган кишингиз сизга нисбатан номардларга иш тутгани учун куйинманг, ахир, бундай эркакларнинг ҳаёт қийинчиликлари олдида биздан кўра бардошли ва кучли эмасликларни маълум-ку! Ҳаётда дуч келган машаққатларни енгиб ўтишдан кўра, ундан кўз юмиш, ўзини четга тортиш, ўзинингмас, атрофдагиларнинг фикрига кўпроқ қўлоқ солиш, кейин эса чин севагини йўқотиб, йўл куйган хатоси учун жимгина қийналиб юриш — эркак зотига беғона ҳислат эмас. Сиз эса ундай эмассиз. Тақдирнинг хар қандай зарбаларига дош бера оласиз, фарзандингиздан воз кечмадингиз, қийинчиликларга қасдма-қасд яшашда давом этдингиз ва зурриётингизни обёкка турғизини учун ўзингизни ўтга ҳам, чўкка ҳам урдингиз.

Муниҳон, мен куда ҳам хоҳлардим: юртимиздаги қалби тоза, саховатпеша одамлар сизнинг оғирингизни енгиб қилса, сиз ҳам аёл зотига муносиб бўлган фаровон ҳаёт кечирсангиз. Болалиқдан бешафқат синовларни бошингизга солган тақдирингизда тинч-тотув ва бахтли кунларингиз бошланса. Ҳаётингизда ўзингиз каби иродали ва гузал фазилатли инсонни учратиш, у билан ширин турмуш кўрсангиз. Ўзлингиз катта йилгит бўлиб, сиздай меҳри чексиз онасини бошига кўтариб юрса.

Дугонангиз ШАҲНОЗ."

Шиоримиз — сифат ва қўлайлик

Бугунги ҳаётимизни техника тараққиёти ютуқларисиз тасаввур қилиш қийин. Мобил алоқа бозори ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Жамоатчи муҳбиримизнинг «Unitel» уяли алоқа компаниясининг Андижон вилоятидаги «Andijon Mobile» агентлиги раҳбари ўринбосари Пўлат МУРОДОВ билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

— «Unitel»нинг вилоятимиздаги филиали қачондан бери фаолият юритмоқда?

— Филиалимиз 1999 йилнинг кузиде иш бошлаган эди. Утган йили у «Andijon Mobile» агентлигига айлантирилди. Айни пайтда вилоят бўйича 30 мингдан ортқ мижозга хизмат кўрсатаймиз. Агентликда 50га яқин ходим меҳнат қилади. Раҳбаримиз Бахтиёр ака Турдиевнинг саъй-ҳаракатлари натижасида кейинги бир йил давомида кўплаб ижобий натижаларга эришидик. Деярли барча туманларда агентлиқнинг бўлимлари очилди. Бу эса узоқ туманлардаги мижозларимизга ҳам кўпгина қўлайликлар тугдирапти.

— Тариф режалари ва хизмат турлари ҳақида қисқа маълумот бериб ўтсангиз?

— Ҳозирда саккиз хил тариф режамиз бўлиб, мижозлар

улардан истаганини танлашлари мумкин. Масалан, Universal Start тариф режасида абонент тўлови умуман йўқ, мижоз фақатгина гаплашган вақти учун пул тўлайди. Бунда «Unitel» мижозларидан кирувчи кўнғироқлар бепул, уларга чикувчи кўнғироқларнинг бир дақиқаси эса 2 центдир. Қолган кўнғироқларнинг бир дақиқаси 7 цент. Бундан ташқари, мижозларнинг имконият даражасига қараб Standart, Millennium, Optima, Vip lux ва Vip Elite, Active каби тариф режалари ҳам мавжуд.

— Яна қандай хизмат турлари бор?

— Мижозларимиз халқро сўлашувларни амалга оширишлари, SMS, SMS E-Mail, халқро SMS хизматларидан фойдаланишлари, Интернетга ҳам киришлари мумкин. Шунингдек, «Севимли рақам» хизматидан фойдаланганда, ўзингиз танлаган «севимли рақам»ингизга кўнғироқ қилишининг бир дақиқаси 3 центга тенг бўлади.

— Келгусида мижозлар учун яна қандай қўлайликлар яратилиши режалаштирилмоқда?

— Куз ойигача бир қатор режаларимизни амалга оширамиз. Тез орада мижозларимизнинг аксарият хизматлар учун офисга келишларини шарт бўлмақ қолади. Уларга хизматлар бевосита телефон орқали амалга оширилади. Шунингдек, дилерлик масканларини кўпайтириб, мижозларимиз учун қўлайликларни янада кенгайтиришимиз, Зеро, бизнинг шиоримиз — "Мижозлар учун сифат ва қўлайлик"дир.

Дилшодбек АСҚАРОВ Андижон вилояти

ВЕСТИ ИЗ ЦНТМИ

Состояние условий труда – важнейший социально-экономический показатель, характеризующий уровень научно-технических достижений и отношение работодателя к сохранению жизни и здоровья работников.

Соблюдать требования охраны труда

Каждый руководитель знает, что, соблюдая требования законодательства об охране труда, он получит реальную экономическую выгоду за счет снижения потерь, связанных с заболеваемостью и травматизмом на производстве.

Законодательство об охране труда основано на соблюдении требований нормативных актов, т.е. условия труда на рабочих местах могут соответствовать, либо не соответствовать требованиям безопасности.

Важным элементом для создания благоприятных условий труда является оценка всех вредных и опасных производственных факторов, которым могут быть подвержены работники в процессе трудовой деятельности.

На сегодняшний день в ЦНТМИ УзАСИ создана лаборатория измерений уровней факторов производственной среды для оказания услуг предприятиям и организациям. Лаборатория оснащена необходимыми современными средствами измерений, обладает высококвалифицированным персоналом и аккредитована в системе аккредитации Республики Узбекистан на техническую компетентность и независимость. Лаборатория проводит измерения физических факторов по следующим параметрам: микроклимат, уровни

шума, вибрации, освещенности, напряженности электрического магнитного поля и др. Специалисты лаборатории могут быть привлечены для проведения измерений на предприятиях и в организациях, которые проводят аттестацию рабочих мест, а также для оказания консультаций при проведении аттестации рабочих мест.

Мақоламиз аввалида мазкур коллежнинг узоқ йиллик тарихига бир назар ташласак. У дастлаб 1930 йилда Жиззах педагогика билим юрти сифатида ташкил қилинган. 1958-1973 йилларда мактаб-интернат, 1973 йилдан 144-сонли Жиззах шаҳар ўрта махсус ҳунар-техника билим юрти шаклида фаолият кўрсатди. Билим юрти 1978 йили бошқа бинога кўчирилиб, унинг ўрнига Жиззах қурилиш техникуми ташкил этилди. 1986 йилда ушбу ўқув даргоҳи таркибига электромеханика техникуми қўшилган, у Жиззах индустриал техникуми деб номланди. Орадан етти йил ўтиб, унинг таркибига Жиззах политехника техникуми ҳам қўшилди.

Барча техникумлар қатори Жиззах индустриал техникуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июлдаги 253-сонли қарорига асосан касб-ҳунар коллежга айлантирилди. Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг буйруғига кўра, мазкур муассасага 2002 йилнинг 30 ноябрида Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи номи берилди. Унинг саҳифа 2003 йилнинг 9 июлида Жиззах агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи қўшилди. Ана шу тариқа ушбу ўқув маскани малакали ўқитувчи-мураббийларга эга бўлган вилоятдаги энг йирик коллежга айланди.

Бугунги кунда кишининг ҳавасини келтирадиган даражадаги ўқув биноларининг бунёд этилишида, коллежнинг бошқа ўқув даргоҳлари орасида ўз нуфузига эга бўлишида унга турли йилларда раҳбарлик қилган инсонлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими (раҳматли) Фани Даминов, техника фанлари доктори (раҳматли) Илҳом Тиркашев, иқтисод фанлари номзоди Рустам Ниматов, Олимжон Қозоқов, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Тоҳир Ҳамроқуловларнинг муносиб хизматлари бор. Айни пайтда коллежда Мелибой Аҳмедов раҳбарлигидаги 160 нафардан зиёд ўқитувчи-педагог ёшларга таълим-тарбия бермоқда. Уларнинг 4 нафари фан номзоди, олтитаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси, 41 нафари олий, 48 нафари 1-тоифали ўқитувчилардир.

Коллежда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, автомобил транспортда юк ташишни ташкил этиш, ЭЎМ ва компютер тармоқларини ишлатиш, ахборот-коммуникация тизимлари, санаят корхоналари, қурилмалари электр жиҳозларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, бухгалтер-аудитор, молия, ҳуқуқшунос-иқтисодчи йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. 2006-2007 ўқув йили учун 630 нафар




“МАЪНАВИЙ ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ”

— дейишмоқда Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежида

Маълумки, республикада бир неча йилдан буён “Ўзбекистон-Германия — Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмак” лойиҳаси амалга оширилиб келиняпти. Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи ҳам ушбу лойиҳага 2003 йилда аъзо бўлди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Лойиҳа шартига кўра ўқув бинолари, синфхоналари техник талабларга тўлиқ жавоб бериши керак эди. Коллеж раҳбарияти, ўқитувчи-мураббийлар, мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу талаблар бажарилди ва Германиянинг КfW банки кредити кўлга киритилди. Лойиҳа асосида энг сўнгги русумдаги компютерлар билан жиҳозланган бешта синфхона ташкиллаштирилди. Эндликда бу ерда ахборот-коммуникация технологияларининг электроника, бизнес, дастурлашга йўналтирилган гуруҳларида мутахассислар тайёрланади. Ушбу хайрли иш аввалида коллежнинг беш нафар махсус фан ўқитувчиси Тошкент шаҳрида Германиялик мутахассислардан сабоқ олди. Бундай малака ошириш ишлари ҳар йили мунтазам олиб борилади.

— Синфхоналаримизга ўрнатилган компютер техникаларининг афзаллиги шундаки, уларнинг энг замонавийлиги, хотира ҳажмининг катталиги, тезкорлиги, ягона тармоққа ва Интернетга уланганлиги, лойиҳага аъзо 14та коллеж билан ўзаро боғлана олишигадир, — дейди биз билан суҳбатда коллежнинг “Ахборот технологиялари” кафедраси муdiri Зафар Шомансуров. — Ўқувчиларимиз махсус фанлар бўйича барча лаборатория-синов ишларини бажариш,



микропроцессорларнинг иш тамойилларини дастурлаш, дастурий маҳсулотларни ўрнатиш, компютерларга техник хизмат кўрсатиш, уларни сошлаш, телекоммуникация тизимини ўрганиш имкониятларига эга.

Назария амалиётсиз ҳеч нарса эмас. Бунга яхши ангалаган ўқув юрти маъмурияти барча йўналишлар бўйича тайёрланаётган мутахассисларнинг амалиётда кўпроқ бўлиши зарурлигини инобатга олган ҳолда вилоятдаги 48та муассаса, ташкилот ва корхона билан ҳамкорлик шартномасини имзолаган. Жиззах политехника институти ва Жиззах педагогика институти билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.


Ўқув даргоҳи кутубхонасида 2257 номда 34070 нусха китоб мавжуд. Шунингдек, бу ерда еттига компютер билан жиҳозланган виртуал кутубхона ҳам ташкил қилинган.

— Биз нафақат мутахассислар, балки маънан бой, дунёқароши кенг, Ватанимизга содиқ ёшларни тарбиялашимиз керак, — дейди коллеж директори Мелибой Аҳмедов. — Шунинг учун ҳам ўқув

масканимизда маданий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказиш аънонага айланиб қолди. Бунинг учун бизда барча шароитлар етарли.

Дарҳақиқат, биз коллежда бўлганимизда ўқув маскани раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нарғиза Абдураҳмонова бир гуруҳ ўқувчилар билан республика телевидениесига ўтказиладиган “Ўйла, изла, топ!” телевикторинасига тайёргарлик кўришаётган экан. Бунга қадар шу йилнинг 5 май куни коллежнинг “Қомус” жамоаси Навоий вилоятда касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказилган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловининг республика босқичида голиб деб топилиб, биринчи даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совғани кўлга киритди. Шунингдек, ўқув юрти ўтган йил мониторинг натижаларига кўра вилоят касб-ҳунар коллежлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, компютер билан, устаконалар танловида эса “Энг яхши ўқув устаконаси” йўналишида голиб бўлиб, телевизор билан тақдирланган.

Бу каби муваффақиятларга эришишда ўз касбининг фидойи ва билимдон



ўқувчини қабул қилиш режалаштирилган. Билим даргоҳига республикамизнинг деярли барча вилоятларидан ёшлар келади. Шу боис ҳам коллеж қабул комиссияси аъзолари уларга зарур маслаҳатлар бериб, ҳужжатларни қабул қилишмоқда.

ги, лойиҳага аъзо 14та коллеж билан ўзаро боғлана олишигадир, — дейди биз билан суҳбатда коллежнинг “Ахборот технологиялари” кафедраси муdiri Зафар Шомансуров. — Ўқувчиларимиз махсус фанлар бўйича барча лаборатория-синов ишларини бажариш,

ўқитувчилари — Эркин Қудратов, Қувондиқ Маматов, Тамара Зарипова, Фотима Солиева, Исоқ Тиркашев, Бахтиёр Темиров, Маҳбуба Усмонова, Санакул Жўрақулов, Сайёра Якубова; Ўрол Холмўминов, Нарғиза Абдураҳмонова, Аҳбор Мирқомиллов, Замира Ролиеваларнинг ҳиссалари кўп.

Коллеж раҳбари Мелибой ака билан ўқув хоналарини, компютер синфларини кўриб чиқдик. У киши йўл-йўлакай иқтидорли ўқувчилар ҳақида тўлқинланиб, фахрланиб гапирди. Уларнинг айримлари билан таништирдик ҳам. Қайси ўқувчининг китоби чиққани, яна қайси бири автомобилни тузатишга уста эканлиги ҳақида сўзлаб берди. Ўқувчилар билан суҳбатлашимиз асосида уларга катта эътибор қаратилаётганига амин бўлдик. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ташаббусни юзага чиқариш — келажакда каттадан-катта ютуқлар келтириши аниқ.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ,
aaxabar@mail.uz

Маълумки, телефон алоқаси хизматлари телекоммуникациялар оператори ва фойдаланувчи ўртасида тузилган шартнома асосида тақдим этилади. Ўзро муносабатларни тартибга солишчи бу ҳуқуқий ҳужжатнинг нечоғли пухта ишлаб чиқилганлиги, ундаги мажбуриятларни тўлақонли бажарилиши электралоқа корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 19 январдаги 19-сонли буйруғи билан тасдиқланиб, амалга киритилган юридик ва жисмоний шахсларга телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш шартномасининг янги шаклида томонларнинг мажбуриятлари тўлиқ қайд этилганлиги мижозлар билан электралоқа корхоналари ўртасидаги муносабатларни тартибга келтириш ва амалга оширишда айна муддао бўлмоқда.

Янги шаклдаги шартнома-ларни қайта расмийлаштириш билан бирга асосий телефон аппаратлари рўйхатдан ўтказилмоқда. Янги шартномага мувофиқ, мижозларга маҳаллий тармоқ хизматларидан фойдаланганлик учун тўловни ҳисобот (жорий) ойининг сўнгги санасидан кечиктирмай тўлаши кераклиги, агар ҳисобот ойдан кейинги бир ой ичида тўланмаган тақдирда мижознинг телефони ҳисобдан чиқарилиши ва шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши тушунтирилмоқда.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Наманган шаҳри ва туман марказларидаги барча тўлов қабул қилиш шаҳобчаларида шартномаларни расмийлаштириш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга қадар янги шаклдаги шартномалар юридик шахслар билан тўлиқ расмийлаштириб бўлинган, жисмоний шахслар билан шартномаларни расмийлаштиришни ниҳонсига етказиш чора-тадбирлари кўрилмақда.

Телекоммуникация оператори билан мижозлар ўртасидаги муносабатларда фойдаланилган хизмат учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш масаласи муҳим бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки, ҳаммамизга маълумки, айрим мижозлар томонидан тўловларнинг ўз вақтида тўланмаганлиги электралоқа корхонасида дебиторлик қарзларнинг пайдо бўлишига ва кўпайишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида, корхона молиявий ҳолатининг оғирлашуви сабаб бўлгани, режалаштирилган тўловларнинг амалга оширилишига салбий таъсир қилган.

Илгари амалда бўлган шартномаларга мувофиқ, электралоқа хизмати учун тўловнинг амалга оширилишини бир неча ойлаб куттиш натижасида дебиторлик қарзлари миқдори ортиб боради, телефонларнинг тармоқдан узиллиши ҳисобига ҳар ойда катта миқдорда даромад йўқотилади эди.

Шартнома – ижроси билан қадрли

Эндиликда янги шаклдаги шартнома амалга киритилиши билан бунга барҳам берилмоқда.

Янги шартнома асосида жорий ойнинг 20-кунига алоқа хизмати учун қарзини тўламаган мижозларни 10 кун олдин, аввал эъза равишда жорий ойнинг охиригача қарзларини тўлаб қўйишларини, акс ҳолда телефон тармоқдан узиб қўйилиши ва ҳисоб рақами беркетилиши ҳақида почта алоқаси ходимлари томонидан огоҳлантириш ишлари йўлга қўйилди.

Қарздор мижозларга огоҳлантириш хатларини тайёрлаш, уларни почта алоқаси ходимларига етказиш, жорий ой охиригача тўловларнинг келиб тушишини назорат қилиш, тармоқдан узилган телефонларни қарзи тўлангандан сўнг тармоққа қайтадан улаш, ҳисобдан чиқарилган телефонларни мижозларга расмийлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича ҳар бир телекоммуникациялар боғламасида махсус гуруҳлар ташкил этилди. Махсус гуруҳлар ташкилий жиҳатдан филиал ижроия аппарати маркетинг ва назорат бўлими таркибига киритилиб, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиб борилмоқда. Бу билан телефонларнинг қарзи тўлиқ тўланмасдан туриб тармоққа улаш ҳолатларига чек қўйилмоқда. Бунда, биринчидан, дебиторлик қарзлари пайдо бўлишининг ва қарз кўпайишининг

олди олinsa, иккинчидан, электралоқа ходимлари ўз хизмат вазифаларини тўлақонли бажаришлари учун имконият яратилмоқда, учинчидан, почта ходимларининг ҳамкорликдаги ишларда фаол иштироки таъминланмоқда.

Афсуски, айрим мижозлар томонидан тўлов бўйича шартнома мажбуриятларининг белгиланган муддатларда бажарилмаётгани оқибатда дебиторлик қарзлари ҳамон сақланиб қолган. Бундай мижозларга нисбатан шартнома асосида тегишли чоралар кўрилади. Ҳар ҳисобот ойи давомида 10 мингдан 12 минггача телефонлар тармоқдан вақтинча узилмоқда. Бунинг натижасида ўртача бир ойда камида 40-50 млн. сўм даромад йўқотилади. Шу йил бошидан буён мингдан ортиқ асосий телефон ҳисобдан чиқарилиб, бошқа фуқароларга расмийлаштирилиб берилди. Вилот ҳўжалик судига ва суд ижро департаментига даъво аризалари билан мурожаат қилиш қарийб икки марта камайди. Жорий йилнинг 1 июн ҳолатига юридик шахслар бўйича 8,9 млн. сўмга 34та даъво аризаси билан вилот ҳўжалик судига, 609 нафар жисмоний шахс бўйича 12,5 млн. сўмга муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириш юзасидан суд ижро департаментига мурожаат қилинган.

Бу каби ташкилий ишлар ўз самарасини бермоқда, тўлов қарзларига мижозларнинг ташрифи

жадаллашди, электралоқа хизмати учун тўловлар миқдори кескин кўпая бошлади. Аксарият мижозлар оғоҳлантиришни қутиб ўтирмайдан тўловларни тўламоқдалар. Бунинг натижасида нақд пул тушуми ойдан-ойга кўпайиб бормоқда.

Филиал бўйича май ойидаги даромад шу йил бошига нисбатан 141,6 фоизга кўпайганлиги, дебиторлик қарзларини ойлик даромадга нисбатан 97 фоизга туширилганлиги — юқоридега қайд этилган ташкилий ишларнинг нечоғли самара бераётганлигини тасдиқлайди.

лар шахсий таркиби қайтадан кўриб чиқилиб, уларнинг айримлари тажрибали, хушмуомала ҳодимлар билан алмаштирилди. Бунда кийиниш маданияти ҳам эътибордан четда қолмади. Телефон алоқаси хизмати учун тўловлар амалга оширилган, мижозларга касса аппарати чеки ва абонемент тўлови квитанцияси шу заҳотиёқ топширилмоқда. Наманган шаҳри ва туманлар марказларидаги кассалардан шу куннинг ўзиде мижоз телефонини тармоққа улаш тўғрисида идоравий тармоқ орқали марказий станцияга топшириқ берилмоқда. Натихада тармоқдан вақтинча узилган телефон тўлов амалга оширилган куннинг ўзиде тармоққа қайта уланган.

Ҳозирги кунда наманганлик электралоқачилар қўйидаги муомала қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келишмоқда:

- мижозлар билан бўладиган мулоқотда уларнинг мурожаатига эътироз билдириш ўрнига, арзларини эътибор билан тингланг, ижобий ҳал қилиш чораларини кўринг. Бу билан мижознинг сизга бўлган ишончи янада ортади;
- сиз билан бўлган мулоқотдан олинган таассурот орқали мижознинг электралоқа корхонасига бўлган муносабати шаклланади. Сиз — ишлаётган корхонанинг вақили эканингизни доимо ёдда тутиг;
- мижоз доим ҳақ эканлигини, биз мижоз учун эмас, мижоз биз учун кераклигини ёддан чиқарманг. Хизмат кўрсатиш сифатига бўлган ҳақли эътирозлар учун мижоздан узр сўрашни унутманг;
- мижознинг кўп кўтириб қўйилган, ўндан ширин кўтирингизни, табассумингизни аяманг. Сизнинг хатти-ҳаракатларингиздан электралоқа корхонасининг ўз мижозларига бўлган ҳурмат ва эътибори сезилиб турсин;

- мижоз ара қилган муаммолар бўйича уни зинҳор бошқаларга йўлланганг, аксинча, тегишли мутахассислар билан ўзингиз боғланиб, муаммоларни иложи бориче ижобий ҳал этиш чораларини кўринг;
- сизнинг асосий касбий мажбуриятингиз — мижозлар билан мулоқотда вазиятнинг кескинлашувига, асабийликка олиб келмаслик эканини ёддан чиқарманг.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридега қоидаларга раҳбардан тортиб то оддий ҳодимгача ўз хизмат вазифаларини бажаришда амал қилсалар — фойдадан холи бўлмайди.

Шухрат ПАРПИЕВ
Наманган вилояти

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом»нинг 52-бандига асосан

2006 йил 29 майдан:

«BAHDILSHOD» масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0000946 рақамли;

«XIN INVEST IMPEX» масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001039 рақамли;

2006 йил 14 июндан:

«DJARA» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Тошкент шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқларини қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган (кабелли телевидение) АА серияли 0001082 рақамли;

«SANOCALQA» масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001142 рақамли;


«BARAKAT TRANSSEVVIS» масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001009 рақамли;

«TEHNO-ALOQA» масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) кўча радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0000899 рақамли лицензиялар лицензиатларини аризаларига биноан бекор қилинди.

● HОMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

Газетамизда “Хомийлар ва шифокорлар йили” рукин остида турли касалликлар бўйича мутахассислар билан суҳбатларни чоп этиб келяпмиз. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган қалқонсимон без касаллиги ҳақидаги суҳбатимиз ҳам назарингиздан четда қолмайди, деб ўйлаймиз.

Бугунги суҳбатдошимиз — “Doktor-Servis” поликлиникасининг олий тоифали шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, эндокринолог Татьяна КУТЕНОВА. У ўз йўналиши бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки Европанинг энг йирик шифохоналаридан бири — Австриянинг Вена клиникасида ҳам ишлаб, тажриба орттирган мутахассислардандир.



БУҚОҚ — ХАВФЛИ ХАСТАЛИК

— Мамлакатимизда буқоқ касаллигидан азият чекадиганлар кўпчилики ташкил этади. Мутахассис сифатида бунинг сабабини айтиб ўтсангиз?

— Энг аввало, дунёда қалқонсимон без касаллигининг долзарблигини кўрсатадиган статистик маълумотларни келтириб ўтсам. Жаҳоннинг 600 миллион аҳолисида каттарган қалқонсимон без, яъни буқоқ касаллиги мавжуд. 40 миллион кишида эса йод етишмаслиги оқибатида қалқонсимон безнинг иш тартиби бузилиши натижасида ақлий заифлик келиб чиққан.

Буқоқ касаллиги Ўзбекистон ва Марказий Осиёда ҳам тарқалган. Бу — ҳудуд тупроғи ва сувида йод микдорининг инсонлар эҳтиёжи даражасидан паст эканлиги билан боғлиқ. Тупроқда йод микдорининг пастлиги мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари таркибида ҳам ушбу модданинг кам бўлишига сабаб бўлади. Йод моддаси қалқонсимон безнинг меъёрида ишлаши учун жуда зарур микроэлемент ҳисобланади.

— Инсон организмда қалқонсимон без қандай функцияларни бажаради?

— Қалқонсимон без ҳаётининг муҳим орган бўлиб, бўйиннинг олд томонида жойлашган. У организмнинг ўсиши ва ривожланиши, интеллект, иммунитет, модда алмашинуви ва ҳароратни таъминловчи гормонлар ишлаб чиқаради. Гормонлар ишлаб чиқариш меъёрининг бузилиши — гипотиреоз касаллигини юзга келтиради.

Гормон етишмаслиги айниқса болалар учун жуда хавфли бўлиб, уларда жисмоний, ақлий, жинсий ривожланишни секинлаштиради, ҳатто, ақлий заифликка ҳам олиб келиши мумкин. Абу Али ибн Сино ўз қўлёзмаларида эси пастлик касаллиги кенг тарқалган шахарларни санаб ўтган. Уша вақтларда бу касалликнинг сабаби — йод моддаси етишмаслиги эканлиги маълум бўлмаган.

Организмда қалқонсимон без гормонларининг меъёрида ишлаб чиқарилмаслиги, шунингдек, Грейвс ёки тиреотоксикоз буқоқ каби жиддий касалликларни келтириб чиқаради. Ушбу касалликлар билан оғриган беморлар озиб кетади, қоғоғи шишади, асаб, уйку, юрак уриши меъёрлари бузилади. Тиреотоксикоз касаллиги ҳомилдор аёллар учун айниқса хавфли ҳисобланади.

Агар организмга йод етарли даражада тарқалмаса, қалқонсимон без йириклаша бошлади ва буқоқ ривожлана боради. Бу эса



гормонлар ишлаб чиқариши бузади ва бундан, ҳатто, рак касаллиги ҳам пайдо бўлиши мумкин.

— Демак, ушбу касалликлар келиб чиқишининг асосий сабаби — йод етишмаслиги экан. Йод тақчиллигининг олдини олиш имконлари мавжудми?

— Ўрта ёшдаги кишилар яхши эслашса керак, авваллари болалар боғчаси ва мактабларда оқ ширин таблеткалар — “Антиструмин” бериларди. Афсуски, ҳозир йод етишмовчилигининг олдини олишга қаратилган бундай дастур юритилмаяпти. Фақат кунлик истеъмолимизда мавжуд бўлган тузни йодлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, кейинги пайтларда йод моддаси билан тўйинтирилган турли маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқариляпти.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг фикрича, йод етишмаслиги ақлий жиҳатдан орта қолишни ва аҳоли интеллектуал салоҳияти пасайишининг асосий сабаби бўлиб қоляпти. Турли мамлакатларда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, йод тақчил бўлган ҳудудларда инсоннинг интеллектуал ривожланиши даражаси 10-15 фоизга паст бўлар экан. Ушбу модда етишмаслиги сабабли одамда ақлий ривожланиш кўрсаткичлари пасаяди, айниқса, болалар бундан кўпроқ азият чекади: уларнинг мактабларда ўқиши, билим олиши, дарсларни ўзлаштириши анча қийинлашади. Ушбу жиддий муаммони оддий ва самарали йўл — йод профилактикаси билан бартараф этиш мумкин.

— Киши эҳтиёжини қондириш учун кунига қанча йод моддаси талаб этилади?

— Эҳтиёж ёшга қараб белги-

ланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг тавсиясига қўра, чақалоқ учун бир кунда 100 мкг, катта ёшдаги болалар учун 100-200 мкг, ҳомилдор ва эмизикли аёллар учун кунига 200-300 мкг, катта ёшдаги кишиларга эса 150 мкг йод керак бўлади.

— Касалликни даволашда нималарга эътибор қаратиш керак?

— Қалқонсимон без касаллигини уй шароитида даволаб бўлмайди. У ўзидан бошқа қатор касалликларга ҳам сабаб бўлади. Шу сабабли қалқонсимон без касаллигини тўла даволаш учун тажрибали эндокринолог-врачларнинг маслаҳати ва аниқ таъхис зарур бўлади. Тажрибали дейишимга сабаб — эндокринолог-врач гормонлар ишлаб чиқилишининг бузилиши оқибатида пайдо бўлган қалқонсимон без, қандли диабет, семириш ва бошқа касалликларни даволаш бўйича яхши малакага эга бўлиши лозим. Қалқонсимон без касаллигининг илк белгилари бошқа касалликларда ҳам учраши мумкин. Шунинг учун аниқ таъхис қўймасдан туриб даволаш ёмон оқибатларга олиб келади.

Қалқонсимон без тизимини ултратовушли текшириш, қон таркибида гормонлар даражасини аниқлаш орқали беморга таъхис қўйилади. “Doktor-Servis” поликлиникасида Тошкент шаҳрида биринчи бўлиб T_4 ва T_3 эркин гормонлари даражасини аниқлаш йўлига қўйилган. Айнан ушбу гормонлар қалқонсимон без фаолияти қай даражада эканлигини аниқ белгилаб бера олади.

Лутфилло ТУСУНОВ
суҳбатлашди

ПОЛИКЛИНИКАДА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛАДИ:

1. КАРДИОЛОГ: Юрак-қон етишмаслиги касалликлари хавфини аниқлаш ва даволаш (миокард инфаркти, ишемик касаллиги, гипертония ва бошқалар);
2. РЕВМАТОЛОГ: ревматизм, бўғимлар шамоллаши касаллиги, подагра, бўғимларда туз йиғилиши;
3. ГИНЕКОЛОГ: ўткир ва сурункали аёллар касалликларини даволаш (миома, киста, бепуштлиқ, эрозия ва бошқалар);
4. ТЕРАПЕВТ: ўткир ва сурункали ички касалликларни даволаш (гастрит, ошқозон-ичак яраси, колит ва ҳоказо);
5. Барча ва умумий турдаги ЛАБОРАТОРИЯВИЙ АНИҚ ТАШХИСЛАР;
6. НЕВРОПАТОЛОГ: асаб касалликларини даволаш (энурез, инсулт, радикулит, невралгия, энцефалит ва бошқалар);
7. УРОЛОГ: жинсий аъзолар инфекцияси, бепуштлиқ, простатит, цистит ҳамда буйрак шамоллаши касалликлари;
8. ЛОР: қулоқ, бурун, томоқ — ўткир ва сурункали касалликларни даволаш (гайморит, отит, тонзиллит);
9. ЭНДОКРИНОЛОГ: қандли диабет, буқоқ, ўсиш ва жинсий ривожланишнинг бузилиши ва бошқалар;
10. ПЕДИАТР (юқори малакали шифокорлар);
11. УЗИ: тасвирли таъхислаш;
12. ЭКГ-ДИАГНОСТИКА: умумий ва чуқурлаштирилган кардиология текширувлари;



13. ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ: юқори малакали мутахассислар маслаҳати ва барча дори-дармонлар билан муолажалар (реанимация, ЭКГ, етказиб келиш).

Оғир беморлар учун виллоятларга шифокорларни чақириш имконияти бор.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, “Халқлар дўстлиги” кўчаси, 2-уй.

Мўлжал: Ҳамза метроси.

Тел.: (99871)367-00-00, 120-77-31, 367-48-10.

E-mail: doktor@sarkor.uz

FUTBOL

ЖЧ-2006:



НИМЧОРАК ФИНАЛ БАҲСЛАРИ ҲАМ ОРТДА ҚОЛДИ

Жаҳон чемпионатининг нимчорак финал ўйинлари бўлиб ўтди. Плей-офф баҳсларидан кейинги босқичга деярли қутилган жамоалар йўл олди. Фақат дунёнинг энг кучли саккиз жамоаси орасидан Украина терма жамоасининг ҳам ўрин олгани янгилик бўлди.

“Немис машинаси”ни ким тўхтатади?



Нимчорак баҳсларининг илк ўйини “А” гуруҳи қолиби ва “В” гуруҳининг иккинчи ўрин соҳиби ўртасида кечди. Мусобақа мезбонлари бу баҳсда ҳам ишончли ўйин намойиш этди. Юрген Клинсман шогирдлари Швеция терма жамоасига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Германияликлар ҳужумида тўп сураётган Клозе ва Подолскилар эса ҳар қандай жамоа ҳимоясини ёриб ўтишга қодирлигини исботлашда давом этмоқда. Ҳўш, “Немис машинаси”ни ким тўхтата олади? Германия - Швеция - 2:0 Голлар: Подолски, 4; 12.

Германия сари...



Аргентина ва Мексика ўртасидаги ўйин қолиби Германия терма жамоаси билан баҳс олиб бориши аниқ эди. Аргентиналикларнинг гуруҳ баҳсларидаги ишончли ўйинлари уларнинг мазкур беллашувида ҳам фаворит саналишига замин туғдирганди. Бироқ Мексика терма жамоаси ўйинда Аргентина яққол устун эмаслигини исботлай олди. Тенг курашлар остида кечган баҳс

нинг асосий вақти дуранг билан якунланди. Қўшимча вақтда эса омад Пакерман шогирдлариға қулиб боқди. Родригеснинг узокдан берган ажойиб зарбаси галаба тўпига айланди.

Аргентина - Мексика - 2:1 Голлар: Креспо, 10; Родригес, 98 - Маркес, 6.

Омад келса, шунча бўлар...

Италия терма жамоаси чемпионат кашфиётларидан бири - Австралия футболчиларини мағлуб этиб, кейинги босқичга йўл олди. Бир жамоа бошига омад қўши қўнса, иккинчи жамоа ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бирор натижага эришолмас экан. Уйинда австралияликлар устунликка эришди. Айнисса, 51-дақиқада италияликлар ҳимоясичи Матерацци майдондан четлатилгач, Гус Хиддинк шогирдларининг ҳужумлари шиддатли кўриниш ола бошлади. Бироқ уларга шу кунги гол уриш насиб қилмади. Италияликлар ўйиннинг қўлиб берилган уч дақиқаси туташига 10 сония қолганида пеналти ишлашди ва уни аниқ амалга оширишди. Бу гол Гус Хиддинкни шу дақиқадан бошлаб Россия терма жамоаси бош мураббийиға айлантирди.

Италия - Австралия - 1:0 Гол: Тотти, 90 (пен.).

Янги саҳифа очилди

Бу икки жамоаниннг ҳақиқий кучи мазкур баҳсда намён бўлиши керак эди. Украинлар гуруҳ баҳсларида турлича ўйин кўрсатишганди. Швейцария терма жамоаси эса ўз дарвозасидан бирор тўп олиб чиқмаганди. Уйинда “ҳисоб-китоб” пеналтилар серияси орқалигина амалга оширилди. Футбол “лоторясия”да омад Украинаға қулиб боқди. Шундай қилиб, Украина футбол тарихида янги саҳифа очилди.

Украина - Швейцария - 0:0 (пеналтилар бўйича - 3:0).

Бекхэм

Англияни қутқарди

Англия ва Эквадор ўртасида кечган баҳсда Дэвид Бекхэмнинг жаримдан киритган голи барча масалага нуқта қўйди. Уйинда бундан бошқа эътиборга мулик воқеа юз бермади.

Англия - Эквадор - 1:0. Гол: Бекхэм, 60.

Чорак финалда қуйдаги жамоалар баҳс олиб боради:

Table with 3 columns: Жамоалар, Вақти, Сана. Rows: Германия - Аргентина (20:00, 30 июн 2006 йил), Италия - Украина (24:00, 30 июн 2006 йил), Англия - Португалия (20:00, 1 июл 2006 йил), Бразилия - Франция (24:00, 1 июл 2006 йил)

Икки жамоа жанги

Ушбу учрашув Жаҳон чемпионатининг энг шиддатли баҳси бўлди. Баҳс шу даражага бориб етдики, учрашув ҳаками Сергей Иванов ўз чўнтагидан 16 бор сариқ ва 4 марта қизил карточка чиқаришга мажбур бўлди.



Мазкур жамоалар бундан икки йил аввал ҳам Европа чемпионатининг ярим финалида ўзаро рўбарў қелишганди. Унда чемпионат мезбонлари - Португалия терма жамоасининг қўли балан келганди. Бу сафар ҳам португаллар ўз устунлигини намойиш қилишди. Лекин галаба улар учун осон бўлмади: Англияға қарши ўйин олдиндан бир неча асосий таркиб ўйинчилари сафдан чиқшиди.

Португалия - Голландия - 1:0 Гол: Манише, 23.

Роналдо - рекордчи

Бразилияға қарши ўйинда Гана терма жамоасининг имкониятлари жуда паст баҳрланаётганди. Охирақибат шундай бўлиб чиқди ҳам. Учрашувнинг муҳим воқеаларидан бири Роналдонинг тўп киритиши бўлди. Ушбу гол бразилиялик ҳужумчининг ЖЧ финал босқичларидаги 15-голи бўлди ва у мозий юлдузларидан бири - германиялик Миюллерни ортда қолдириб, жаҳон рекордсига айланди.

Бразилия - Гана - 3:0 Голлар: Роналдо, 5; Адриану, 45; Зе Роберту, 84.

Рақиб - яна ўша Бразилия!

Испания - Франция учрашуви барча футбол мухлисларини бирдай ўзига жалб қилди. Бугун ким галаба қозонади? Ёш футболчилардан иборат тезкор испанларми ёки тажрибали французларми? Уйинни қузатган мухлислар бу саволларға аниқ жавоб олишди.

Чорак финалда Франция терма жамоасини Бразилия қутиб турибди. Бу ўйинда французларға осон бўлмаслиги аниқ. Чунки Бразилия терма жамоаси ЖЧ-98 финалидаги мағлубият аламини ҳали унутганича йўқ.

Франция - Испания - 3:1 Голлар: Рибери, 41; Виера, 83; Зидан, 90 - Виля, 28 (пен.).

KIBERSPORT

Бугун миллий финал ўйинлари ўтказилади

Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Тошкентда ўтган худудий саралаш ўйинларидан сўнг барча финалчилар номи маълум бўлди.

Қуйдаги геймерлар миллий финалда пойтахт шарафини ҳимоя қилади:

StarCraft®: Brood War™ ўйини бўйича: Вячеслав Югай (goodgame), Рафаэл Муртазин (rafik), Шаҳбоз Эркинов (Parabola) ва Николай Ким (flytogi).

Need for Speed: Most Wanted ўйинида: Дониёр Шомузаффаров (PREDATOR), Артур Арзанов (Andoid), Кирил Елхимов (exSPUNKY) ва Дамир Газизов (ko).

WarCraft® III: Frozen Throne ўйини бўйича: Элмурод Нуртаев (sh"grumpy), Павел Баннов (mydragon), Алижон Шарипов (Next), Самир Акрамов (Samael).

Half-Life™: Counter-Strike 1.6 ўйини бўйича қуйдаги жамоалар:

Evil Tribe жамоаси. Таркиби - Жавлон Қодиров (Nightman), Зафар Қодиров (AttermanN), Тимур Перфилов (M1KROS), Азиз Орипов (ZEK) ва Виктор Магда (woland).

Cyber Force жамоаси. Таркиби - Николай Седлецкий (sedlecki), Бахтиёр Рустамов (basmach), Алексей Гуреев (shena), Бобур Тожибоев (bob) ва Олим Дадахонов (hoakeng).

WNV жамоаси. Таркиби - Артем Атабашян (metphis), Ришат Гизделханов (gorin), Алексей Пак (DexTerg), Валентин Сериков (aRHY) ва Артур Канданов (Nipper).

Prodigy жамоаси. Таркиби - Владимир Содиқов (Shepard), Тимур Абдулқосимов (nigh), Александр Юдович (Raven), Абдуфаррух Махидов (Spider) ва Артур Аксаков (Space).

Миллий финал ўйинлари бугун пойтахтимидаги Халқаро ҳамкорлик Марказида бўлиб ўтади. 1 июл кун и эса қолибларни тақдирлаш маросими ўтказилади.

Ўз мухбиримиз

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг "Телекоммуникация тармоқлари ва телекоммуникация линиялари" кафедраси мудири Саид Сидиқовга акаси

Шорухсат СИДИКОВнинг бевақт вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Advertisement for MUASSIS (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги) including contact info, a list of cities, and a table of phone numbers for various branches.

SIZ KUTGAN UCHRASHUV



САНЪАТКОР ЎЗИ УЧУН ЭМАС, ХАЛҚ УЧУН ИШЛАШИ КЕРАК

Ҳар бир инсонда, айниқса, актёрда ўзига хос бўлган истеъдод мавжуд. Ана шу истеъдоднинг намоён эта олган инсонларгина санъат соҳасида фаолият кўрсатиб, кенг омма эътиборига, izzat-ҳурматиға сазовор бўлади.

Тургун Азизов 1934 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Рус мактабида ўқиш билан бир қаторда, балет мактабига ҳам қатнаган. Мактабни битиргач, 1952 йилда Тошкент давлат театр ва рассомлик институти (ҳозирги Тошкент давлат санъат институти)нинг "Драма ва кино" факултетиға ўқишға қабул қилинади.

— Санъат соҳасини танлашингизға ким ва нима туртки берган?

— Машҳур актёр, ўзбек халқининг ардоқли ва севимли санъаткори Аброр Ҳидоятот менға тоға бўладилар. У инсонда табиаат инъом этган ажойиб, бетакрор, нодир ва ноёб истеъдод бор эди. Аброр Ҳидоятот ўзбек халқининг энг яхши фазилатларини, санъатнинг энг нозик хислатларини ва хусусиятларини борича ўзига сингдирган, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланадиган, ўқиш ва ўрганишдан сира ҳам толмайдиган, жаҳон санъатиға алоҳида меҳр кўйган, санъатда халқчиллик учун курашган, ўзига топширилган исталган образни мукаммал ижро эта оладиган буюк санъаткор эди.

— Олий даргоҳда таълим берган устозларингиз қимлар?

— Институтида илк устозим, буюк режиссёр ҳамда актёр — курс раҳбаримиз Тошқўжа Ҳўжаев санъатнинг барча сирасорларини бизға ўргатди. Ўзбек тилини ва бу тилнинг нозик қирраларини, жозибасини ҳам шу кишидан ўрганганман. Базан шундай бўлардики, ўша пайтда дарсда ўтилайтган асарларни ўзбек тилиға Тошқўжа ака билан бирға таржима қилар эдик. Шу йўсинда ўзбек тилини ҳам устоз ёрдамида пухта ўрганиб олдим.

— Шу ўринда шогирдларингиз тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Шогирдларим Бехзод Мухаммадкаримов, Абдурайим Абдувахобов, Мадина Мухторова, Равшан Жўраев ва бошқалар. Уларнинг барчаси ўз мухлислариға эға, халққа танилган, турли унволарға сазовор бўлишган. Шундай шогирдларим борлигидан ҳамиша фахрланиб юраман.

— Оилангиз тўғрисида ҳам икки оғиз...

— Турмуш ўртоғим Роза Азизова Москва шаҳрида таҳсил олган. Розахоним талабалик йилларида турли мамлакатлардан келган қизлар билан яқиндан танишган. Кейинчалик уларнинг тақдирлари ҳақида "Подруги" ("Дугоналарим") номли ёдномға-қисса ёзди. У менинг ижодим ҳақидағи "Тургун Азизов ижодий фаолияти тўғрисида баъзи чизгилар" номли асарининг ҳам муаллифидир. Афсуски, бу зиёли инсон шу йилнинг 9 январида ёруғ оламни тарк этди. Умри қисқа экан, охирати обод бўлсин. Ўғлим Аброр ва қизим Нигорахонлар — худаға шукр, уйли-жойли. Шириндан-шакар невараларим бор. Ишқилиб, умрлари узоқ бўлсин.

— Тургун ака, сиз ўйнашни хоҳлаган, лекин сизға тақлиф қилишмаган рол бўлганми? — Лермонтовнинг "Маскарад" асаридағи Арбенин образини яратишни бир пайтлар жуда-жуда хоҳлаганман, лекин тақлиф этишмаган. Актёрлар Ҳаётни бундай холатлар бўлиб туради. Ҳамма нарсаём сиз ўйлагандек бўлаверса, ҳаётнинг қизиги қолмайди-да...

— Сизнингча, саҳнада актёр учун энг муҳим нарсға нима? — Аввало, ўзинг яратётган образға ишонч бўлиши керак. Санъаткор ҳақиқатан образдағи ўша одам ўзи эканиға ишониши, бошқаларни ҳам шунға ишонтира олиши, ўз қаҳрамонининг характериғи ўзига бутунлай сингдира билиши — муҳимдир.

— Уста санъаткор бўлиш учун актёрға яна қандай фазилатлар зарур, деб ҳисоблайсиз? — Биринчидан, санъаткор йўналиш танлашда адашмаслиғи керак. Танлаганидан сўнг эса унга меҳр билан қараш, тинмай меҳнат қилиши, изланиши керак. Бундан ташқари, актёр ўзида интуитивчанлик, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик каби хислатларни тарбиялаши лозим. Ўз устида ишлаш, тинмай изланиш ҳам муваффақият келтиради. Устозларнинг сабоғи — шу. Шунинг учун ҳам мен талабалгимда кутубхонадан қимасдим. Яна устозларимиз бизға: "Ўзинг учун эмас, халқ учун ишлаш керак!" деб ўргатишган. Менимча ҳам, катта санъаткор бўлиш учун халққа манзур роллар яратиш керак. Бунинг учун эса, албатта, тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш зарур.

— Ҳозирги қунда қандай юмушлар билан бандсиз?

— Институтида талабаларға дарс бериш билан бирға, театрда янги-янги спектакллар яратиш, саҳналаштириш билан машғулман. Яқинда Шиллернинг "Макр ва муҳаббат" пьесасини ёш актёрлар билан анча ўзгаришлар қиритган ҳолда оммаға намойиш этдик. Уйлайманки, бу спектакл кўпчилик мухлисларға манзур бўлди.

Маъмурахон ТҶИМАТОВА сўхбатлашди

ЯНГИ ТЕЛЕФОН АППАРАТИ СОТУВДА

"East Telecom" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган ET-2005N телефон аппарати сотувға чиқарилди.

Умумий фойдаланишға мўлжалланган ушбу телефоннинг асосий техник тавсифлари қуйидагича:

- 1. Рақамнинг импульсли терилиши;
2. Рақамнинг частотали терилиши;
3. Терилган ҳар бир рақамни узатиш вақти 40 мс.дан кам эмаслиғи;
4. RD — охирги терилган рақамни автоматик тарзда қайта териш хизмати мавжудлиғи;
5. HF — телефон гўшағини кўтармасдан АТС сигналларини қабул қилиш ва абонент билан сўзлашувни амалға ошириш хизмати мавжудлиғи;
6. FLASH — АТСдан келаётган сигнални рад этиш имконияти;
7. Икки товушли қақирув акустик сигнали ҳамда товуш даражасини сошлаш имкониятлари;
8. Қабул қилиш ва узатишни кучайтириб бериш мосламаларининг мавжудлиғи.

ET-2005N телефон аппаратининг хизмат қилиш мuddати 10 йилдан кам эмас. Ишлаб чиқарувчининг кафолати — 12 ой. Нархи — 15 700 сўм. Нақд ва пул ўтказиш йўли билан сотилади. Телефон аппаратини "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКнинг "ТЕЛЕКОМ ТАЪМИНОТ ХИЗМАТ" шўъба корхонасидан сотиб олишингиз мумкин.



ПРОДАЕТСЯ ТЕЛЕФОННЫЙ АППАРАТ ET-2005N

- Основные технические характеристики:
1. Импульсный набор номера абонента.
2. Период импульсов набора (100:5)мс.
3. Импульсный коэффициент 1,5.
4. Пауза между двумя сериями импульсов 800 мс.
5. Частотный набор номера абонента.
6. Частоты в соответствии с ГОСТ 7153-85.
7. Время посылки сигнала каждой цифры не менее 40 мс.
8. Режим RD — автоматический повтор набора последнего набранного номера.
9. Режим HF — громкоговорящий приём сигналов АТС и ответ абонента без поднятия телефонной трубки.
10. Режим FLASH — отбой АТС.
11. Двухтоновый вызывной акустический сигнал с регулировкой уровня громкости.
12. Встроенные усилители приёма и передачи.
13. Средний срок службы — не менее 10 лет.
14. Гарантийный срок — 12 месяцев.
Телефонные аппараты можно приобрести за наличный расчёт, а также по перечислению. Цена — 15 700 сўм.

Дочернее предприятие АК "О"ЗБЕКТЕЛЕКОМ" — "ТЕЛЕКОМ ТАЪМИНОТ ХИЗМАТ" сообщает, что на базе предприятия имеется в наличии следующая продукция по ценам заводов — поставщиков:

Table with 2 columns: Product name and Price. Includes items like Dielectric mats (8880 sum), Socks (9480 sum), Botas (32400 sum), Belts (35000 sum), etc.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 24-уй. Телефонлар: (998 71) 136-36-27, 139-23-42, 139-23-37.